



## АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР: МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ ВА БАРҚАРОР ЕЧИМЛАР

**Абдуллаев Ҳамидулла  
Олимжонович**

*Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари-  
Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан  
таъминлаш хизмати бошлиғи, подполковник*

**Очилов Наврўзбек  
Ўроқбой ўғли**

*Жиззах вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги  
хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
бошқармаси миграцион профилактика гуруҳи  
катта инспектори лейтенант*

**Аннотатсия.** Мақолада ахлоққа қарши жиноятларнинг тушунчаси ва тавсифи ёритилган бўлиб, уларнинг ахлоқ ва ижтимоий ахлоқ тушунчаларига фалсафий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилган. Муаллиф мақолани ёритишда юридик соҳадаги олимларнинг фикрлари ва назарияларига таянган ҳолда ўзининг субъектив қарашларини ҳам батафсил келтирган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларига асосланиб қандай жиноятлар ахлоққа қарши жиноятлар ҳисобланиши ҳамда Жиноят кодекси нормаларига киритилиши керак бўлган таклифларни илгари сурган.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, ижтимоий ахлоқ, ахлоққа қарши жиноятлар, порнография, фоҳишахона сақлаш, маданий мерос объектлари, қабрни таҳқирлаш, ҳайвонларга шавқатсиз муносабатда бўлиш.

**Аннотатсия.** В статье рассматривается понятие и описание преступлений против нравственности, дается философское и юридическое определение понятий нравственность и общественной нравственности. Автор также подробно изложил свои субъективные взгляды, опираясь при освещении статьи на мнения и теории ученых в области права. Выдвинул предложения о том, какие преступления, исходя из норм Уголовного кодекса Республики Узбекистан, считаются преступлениями против нравственности и должны быть включены в нормы Уголовного кодекса.

**Ключевые слова:** нравственность, общественная нравственность, преступления против нравственности, порнография, содержание притонов, объекты культурного наследия, осквернение могил, жестокое обращение с животными.

**Abstract.** The article discusses the concept and description of crimes against morality, gives a philosophical and legal definition of the concepts of morality and public morality. The author also presented his subjective views in detail, relying on the

opinions and theories of scientists in the field of law when covering the article. He put forward proposals on which crimes, based on the norms of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, are considered crimes against morality and should be included in the norms of the Criminal Code.

**Keywords:** morality, public morality, crimes against morality, pornography, the maintenance of brothels, cultural heritage objects, desecration of graves, cruelty to animals.

Ҳозирги даврда қадриятлар ва ривожланиш моделлари глобал рақобат мавзусига айланди. Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли халқининг маънавий бирлигини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг бой анъанавий ва ривожланаётган замонавий маданиятга эга мамлакат сифатида халқаро имиджини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон фуқароларини маънавий ва ватанпарварлик билан тарбиялаш тизимини яратиш орқали давлатимиз миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, маданий ва ахлоқий қадриятларни тиклаш ва сақлаш мумкин.

Ахлоққа қарши жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмининг 5-боби, яъни “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобида келтириб ўтилган. Шунини айтиш керакки, мазкур боб Жиноят кодекси махсус қисмининг сунъий таркибий элементи ҳисобланади, чунки у мустақил бевосита объектига асосланмаган ва турли хил ижтимоий қадриятларга таъжовуз қиладиган жиноятлар тўғрисидаги нормаларни бирлаштиради.

Ахлоққа қарши жиноятлар – ёшларнинг нормал ахлоқий ривожланишини, жамиятнинг маънавий ва маданий ҳаёти тамойилларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга қаратилган қилмишлардир [17, – Б. 423].

Ахлоқ жамиятнинг маънавий ривожланиши ва маданиятининг энг олий ифодасидир. Ҳозирги кунда жиноят қонунчилиги ва ахлоқ ўртасидаги муносабатлар муаммоси тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда.

“Ахлоқ” - арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, одоб деган маъноларни англатади. “Ахлоқ” атамаси Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, - кишиларнинг бирбирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи [15. –Б. 530]. Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган ва тартибга соладиган муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат тамойиллари ва меъёрларининг мажмуидир. Ахлоқ ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ талабларини бажариш–бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади [15].

Ахлоқ жамият ва инсонни ўзига хос тарзда гўзаллик қонуниятлари воситаси билан ўрғанувчи энг қадимий ва ҳозирги замонда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга фандир. Буюк олим Абу Наср Форобий “Ахлоқ — ўз мувозанатини йўқотганнинг хулқини тартибга келтиради, мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанати бузилган хулқнинг мувозанатини сақлаб келади. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир” деган эди.

Мамлакатимиз тарихида жадидчилардан бири бўлган Абдулла Авлониёв “Ахлоқ” ҳақида шундай дейди: “Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур” [16].

Юридик адабиётларга асосланган ҳолда, ахлоқ тушунчасини ёритадиган бўлсак, А.М.Герасимов ахлоқнинг жиноят ҳуқуқидаги ўрнини қуйидагича таърифлайди: “Ахлоқ категорияси умум инсоний бўлиб, инсон муносабатлари негизида анча мустаҳкам ўрнашган. Шахслар манфаатларини уйғунлаштиришнинг ноёб қобилиятига эга бўлган ахлоқ барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга истисносиз изчиллик келтиради. Ахлоқнинг роли давлатнинг ҳуқуқий тизимини, айниқса унинг ҳуқуқий муносабатлар субъектларини муайян хатти-ҳаракатларга мажбурловчи тармоқларини шакллантириш ва амалга оширишда намоён бўлади. Демак, императив хусусиятга эга жиноий қонунчиликка, ахлоқий шартлиликка хосдир, бу жиноий ҳуқуқ нормалари ва қоидаларининг бутун мажмуини ижобий йўналтириш кафолатига айланади. Аксинча, жиноят қонунида ахлоқий таркибий қисмнинг йўқлиги жиноий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан ҳар қандай суистеъмоликларни рағбатлантиради [2, Б-3].

Е.А. Старков ҳам ўз изланишлари натижасида, “Ахлоқ – бу бутун жамиятга ҳам, шахсга ҳам тегишли бўлган, анъанавий ва маданий қадриятлар асосида шаклланган, жиноят ҳуқуқи нормалари билан бузилишлардан ҳимояланган ижтимоий жиҳатдан шартланган, тарихан ўзгарувчан хулқ-атвор қоидалари” деб тарифлайди [18. Б-9].

Ахлоқ инсон борлиғи ва ижтимоий муносабатларининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, эҳтирослар, зиддиятлар, ички кураш ва турли талқинларга бойдир. Ахлоқий муаммолар бизнинг ҳис-туйғуларимизга, ижтимоий ва профессионал ҳаётимизга киради. Улар қадриятлар, урф-одатлар, ҳуқуқ, дин, бадий маданият, ички ва ташқи сиёсат, энг муҳими - одамлар, кичик ва катта гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ [13, Б-5,7].

А.С. Кармин ахлоқ тушунчасига таъриф берганда, уни дин билан боғлиқлигини ёритиб ўтади. “Аксарият динларда энг юқори ахлоқий қадриятлар Худога ишониш ва унинг асосий амалларини тан олиш билан боғлиқ. Дунёнинг барча халқлари ҳалолликни, садоқатни, катталарга ҳурматни, меҳнатсеварликни, ватанпарварликни ҳурмат қилади. Гарчи ҳаётда одамлар доимо бундай фазилатларни намоён этмасалар ҳам, улар жуда қадрланади ва уларга эга бўлганлар ҳурматга сазовор. Бу қадриятлар ахлоқий идеаллар сифатида ишлайди” [6. Б-89]. Ҳақиқатдан ҳам айтиш керакки, ахлоқ доимо дин билан боғлиқдир. Ҳар қандай дин вужудга келиши билан жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини ахлоқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган. Мисол учун, Қадимги Рим христиан дини таъсирида, оила ва ахлоқ соҳасига оид жиноятлар доираси кенгайган. Буларга зино, кўпхотинлилик, турмушга чиқмаган аёл билан жинсий алоқада бўлиш каби жиноятлар билан кенгайиб борган [9. Б-240]. Ислом дини вужудга келганидан сўнг яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, бесоқбозлик каби қилмишлар жиноий жазога тортишга асос бўлган.

Ахлоқни нима бўлиши керак ва бўлмаслиги кераклиги, эркинлик ва масъулият, бурч, виждон, айб, шаъни ва кадр-қиммати тўғрисидаги меъёрлар, ғоялар, кўрсатмалар йиғиндиси сифатида кўриш мумкин. У тўғридан-тўғри қонунда мустаҳкамланмаган бўлса-да, ҳамма нарсани камраб олади, унинг ташувчиси ахлоқий меъёрдир. Шу билан бирга, қонунлар ахлоқий кўрсатмалар ва қоидаларга мос келиши керак [20. Б-11].

Ахлоқ – бу аҳолининг мутлақ кўпчилиги томонидан тан олинган: умумийлик – ҳаётнинг муайян иқтисодий шароитларига, қарашларига мувофиқ ишлаб чиқилган хулқ-атвор қоидалари: яхшилик ва ёмонлик ҳақида; бурч ва адолат, виждон ва шараф; мақтовли ва шармандали ва бошқалар [10. Б-640].

Биз “ахлоқ” тушунчасини фалсафа ва этикада ишлаб чиқилган мазмун-моҳиятини кўриб чиқдик. “Ахлоқ” тушунчасини ҳуқуқий маънода кўриб чиқадиган бўлсак, қонун нормаларига айланишдан олдин ахлоқий меъёрлар узоқ вақт давомида урф-одатлар шаклида мавжуд бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Масалан, Г.Ф. Шершеневич ахлоқ инсоннинг ўзига бўлган талабларини эмас, балки жамиятнинг инсонга бўлган талабларини англатади, деб ҳисоблаган. Бошқаларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини шахс эмас, балки жамият бир кишининг бошқа одамга қандай муносабатда бўлишини белгилайди. Шахс ўз хатти-ҳаракатларини яхши ёки ёмон деб баҳоламайди, аксинча бундай баҳони жамият беради [23, -Б. 169]. Г.Ф. Шершеневичнинг фикрига таянадиган бўлсак, жамият муайян хатти-ҳаракатни ахлоқий жиҳатдан яхши деб тан олиши мумкин, гарчи у шахс учун яхши бўлмаса ҳам, лекин муайян ҳаракатни ахлоқий жиҳатдан нолайиқ деб ҳисоблаши мумкин, гарчи у шахс тоmidан маъқулланса ҳам.

Инсонни шахс сифатида шаклланишида, қолаверса, жамият менталитети ва қадриятларини ривожланишида ахлоқ муҳим аҳамиятга эга. Ахлоқ бу тарихий йиллар давомида инсонлар томонидан ўрнатилган ва қабул қилинган, яхшилик ва ёмонлик, адолат, шаън ва кадр-қиммат ҳақида тушунчаларни мужассам этган юриш-туриш қоидаларидир. С.В.Тасаков айтганидек, “Ахлоқ нормалари инсонлар хулқига норасмий таъсир этиш ва уларни назорат қилиш каби доимий тартибга солиш функцияларини бажаради”[25. Б-22]. Ахлоқ талабларининг бажарилиши инсоннинг виждони, унинг ички ишончи, жамиятнинг муносабатларнинг таъсирида бажарилиши таъминланади. Е.В.Кобзева ахлоққа жиноят объекти сифатида шундай тушунча берган, “ахлоқ - бу шахснинг жамиятдаги тўғри хулқ-атвори ва унинг бошқа одамлар билан муносабатлари нормаларини белгиладиган яхшилик ва ёмонлик, бурч, шаън ва кадр-қиммат, адолат ва адолатсизлик ҳақидаги жамиятда ҳукмронлик қиладиган қарашлар ва ғоялар тизими” [7. Б. 7-8].

Ахлоқ – бу эркинлик, тенглик, адолат ғояларига асосланган ва унга (шахс ва фуқарога) ижтимоий неъматларни чекламасдан шахсий манфаатларини таъминлашга имкон берадиган инсон ва фуқаронинг маънавий ва ижтимоий фазилатларини шакллантириш учун яхшилик, унинг имкониятлари ҳақидаги таълимотдир [2. Б-7].

Кундалик тилда “ахлоқ” атамасини қўллаганимизда, биз одатда жамиятдаги одамлар амал қилиши керак бўлган хулқ-атворнинг умумий турлари

тўғрисидаги ижтимоий одатлар ёки шахсий эътиқодларнинг тавсифловчи характери н назарда тутамиз. Ушбу тавсифий маънода ахлоқ - бу нима яхши ва нима ёмон эканлиги ҳақидаги эътиқодлар тўплами, хулқ-атвор қоидалари ёки хулқ-атвор қоидалари бўлиб, у энг муҳим деб ҳисобланади, лекин одатда, маълум бир маданият ёки жамият билан чекланган бўлади [5]. Белинда Сарпентер ва Шэрон Хейес ахлоқни шахсий ва оммавий турлари ҳақида фикр юритади. Улар шахсий ва оммавий ахлоқни чегарасини ўрнатиб туриб, қонуний шахсий ахлоқ баъзида оммавий ҳаракатлардан фарқланишини ажратади [1].

Ахлоқий меъёрлар жамият аъзолари ва ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворининг қадрият тартибга солувчиси сифатида ишлайди. Улар бошқа тартибга солувчилар, биринчи навбатда ҳуқуқий нормалар билан ўзаро таъсирда ҳаракат қилади ва бу ерда қадриятлар, ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар муаммоси ва уларнинг ўзаро таъсири муҳим бўлади.

Ахлоқ – жамиятда шахснинг хулқ-атворини, унда шаклланган урф-одатлар, анъаналар, одамларнинг биргаликда яшаш тамойилларига қараб, муносиб деб белгиловчи нормалар (ахлоқ меъёрлари) йиғиндиси. Ижтимоий ахлоқ деганда, маълум бир жамиятда шаклланган ва унинг аксарият қисми томонидан қабул қилинган, яъни жамиятда у ёки бу ривожланиш даврида ҳукмрон бўлган ахлоқий меъёрлар йиғиндиси тушунилади. Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида фақат ижтимоий ахлоқнинг айрим нормалари олинади.

Д.А.Маракулин эса ижтимоий ахлоққа қуйидагича таъриф берган, “Ижтимоий ахлоқ - жиноят қонуни билан қўриқладиган анъанавий маънавий ва маданий қадриятлар асосида тарихий ривожланиш натижасида жамиятда шаклланган нормалар, хулқ-атвор қоидалари тизимидир”[11, Б-223]. Е.В. Миллеров эса ижтимоий ахлоқни жамиятда шаклланган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига, умуминсоний қадриятлар ҳақидаги ғояларга риоя қилишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар мажмуи дея таърифлайди [12, Б-6, 7].

Жиноятнинг ўзига хос объекти сифатида ижтимоий ахлоқ - ижтимоий муносабатларнинг бир тури, шу жумладан урф-одатлар, муносабатлар ва хулқ-атвор қоидалари, уларнинг мавжудлиги маълум бир жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналари билан боғлиқ бўлиб, жамият ўз хоҳиш-иродаси билан мажбурлаш хавфсиз бажарадиган яхшилик ва ёмонлик, адолат, шараф, виждон ва бошқалар ҳақидаги кўпчилик аъзоларининг онгида ҳукмронлик қиладиган ғояларни акс эттиради [19, Б-23, 24].

К.П. Полянская [24. Б-8] ва А.Е. Шалагин [20, Б-19]лар ижтимоий ахлоққа бир хил таъриф беришган, яъни ижтимоий ахлоқ - инсонлар томонидан ишлаб чиқилган, жамиятда ҳукмрон бўлган адолат, бурч, ор-номус, қадр-қимматга нисбатан хатти-ҳаракатлар нормалари ва қоидалари, ғоялар, анъаналар ва қарашлар тизимидир.

С.В. Тасаков ўзининг асарларида, “Ижтимоий ахлоқ тарихан одамлар хатти-ҳаракатларининг мотивлари ва стереотипларини мустаҳкамловчи урф-одатлар, анъаналар ва меъёрлар билан тартибга солинган. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ижтимоий ахлоқни нафақат ан'анавий,

балки ҳуқуқий воситалар билан ҳам тартибга солиш ва ҳимоя қилиш зарурати туғилади” деб фикр юритади [26, Б-11]. С.В. Тасаковнинг фикрини мақуллаган ҳолда, шуни айтиш керакки, давлатнинг вазифаларидан бири жиноят қонунчилигини ўрнатиш ва уни муҳофаза қилишдир. Давлат томонидан ижтимоий ахлоқ муносабатлари ҳимоясининг амалга оширилиши, жиноий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан ҳар қандай суиисте’молликларни олдини олади.

Юқорида ахлоқнинг мазмун-моҳиятини кўриб чиқдик. Демак, ахлоқий муносабатларга тажавуз қилиш орқали ахлоққа қарши жиноятлар содир этилади. Хўш унда, ахлоққа қарши жиноятлар нима?

Айтиш керакки, ахлоққа қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу каби жиноятлар муайян шахсга қаратилган бўлиб қолмай, балки жамиятнинг, миллатнинг ахлоқ нормалари, юриштириш қоидаларига қаратилган бўлади ва бу билан бутун жамият зарар кўради.

Бошқа жиноий қилмишлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ахлоққа тажовуз қиладиган ҳаракатлар маълум бир одамга эмас, балки маълум бир ҳудудда шаклланган жамиятнинг ахлоқий асосларига, яъни муайян жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий ахлоқий меъёрлар, тамойиллар ва қадриятларга зарар етказди [22. Б-10].

Жамият ахлоқига қарши жиноятлар маълум бир жамиятда умумий қабул қилинган ахлоқий меъёрларни бузадиган жиноятлар тоифасига киради. Жамият ахлоқига қарши жиноятлар оғир жиноятлар ҳисобланади, чунки улар жамиятга зарар етказиш, ижтимоий барқарорликни бузиш, салбий ҳис-туйғуларни уйғотиш ва жамият қурадиган асосий қадриятлар ва тамойилларни бузиш потенциалига эга.

Бундай жиноятларнинг табиати маданий, ижтимоий контекстларга қараб фарқ қилиши мумкин, аммо баъзи одатий мисолларга қуйидагилар киради:

1. Порнография: муайян жамиятларда ахлоқий меъёрлар ва ижтимоий қадриятларга зид бўлиши мумкин бўлган жинсий материалларни тарқатиш, ишлаб чиқариш ёки ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар.

2. Фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик қилиш: жинсий хизматларни сотиш ва одамларни жинсий мақсадларида эксплуатация қилиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни ўз ичига олади.

3. Ахлоқий бузуқликлар: муайян жамиятда ахлоқсиз ёки номақбул деб ҳисобланиши мумкин бўлган турли хил ҳаракатларни ўз ичига олади, масалан, вояга етмаган шахсларга нисбатан уятсизбузуқ ҳаракатлар қилиш.

4. Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш: давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини бузиш, шикаст етказиш ёки нобуд қилиш.

5. Қабрни таҳқирлаш: Мурдани ёки қабрни таҳқирлаш, шунингдек, мурдадаги, қабрнинг устидаги ёки ташқарисидаги нарсаларни олиш.

6. Ҳайвонларга шавқатсиз муносабатда бўлиш каби қилмишларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, ахлоқ жиноят қонуни билан тажовузлардан ҳимоя қилинади.

Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, “ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади” [14, Б-20]. Шунингдек ушбу модданинг 2-қисмида, жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш дейилади, деб келтирилган. Юқорида айтилганидек, ахлоқ (ахлоқ нормалари) жиноят қонуни объекти ҳисобланади, яъни жиноят қонунчилиги билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Бундан чиқадики, ахлоққа қарши жиноятлар деганда, содир этилгани учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган, ижтимоий ахлоққа бевосита зарар етказадиган, айбли, ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи соҳаси олимларининг илмий-тадқиқот ишларига асосланган ҳолда мазкур ахлоққа қарши жиноятларни таснифлайдиган бўлсак қуйидаги гуруҳларга:

1. Ш.А. Ганиев, И.Ю. Фозилов ва Ш. Қосимовларнинг фикрига кўра, ахлоққа қарши жиноятлар: таносил ёки ОИВ касаллигини/ОИТСни тарқатиш (ЖК 113-м); номусга тегиш (ЖК 118-м); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-м); бесоқолбозлик (ЖК 120-м); аёлни жинсий алоқа мажбур этиш (ЖК 121-м); кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м); порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш (ЖК 130-м); зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш қилиш (ЖК 1301-м); фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЖК 131-м); қабрни таҳқирлаш (ЖК134-м) [4, Б-9].

2. И. Исмаилов ва Қ.Р. Абдурасуловлар эса таносил ва ОИТС касаллигини тарқатиш (ЖК 113-м), номусга тегиш (ЖК 118-м); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-м); бесоқолбозлик (ЖК 120-м); аёлни жинсий алоқа мажбур этиш (ЖК 121-м); кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м); ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м); ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м); порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш (ЖК 130-м); зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш қилиш (ЖК 1301-м); фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЖК 131-м); тарих ва маданият ёдгорликларини нобуд қилиш (ЖК 132-м); инсон аъзоларини ёки тўқималарини ажратиш олиш (ЖК 133-м); қабрни таҳқирлаш (ЖК134-м); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки эрга тегишига тўсқинлик қилиш (ЖК 136-м) ва бошқаларни ахлоққа қарши жиноятлар сирасига киритишган [8, Б-529].

Келтирилган олимларнинг айрим фикрларига қўшилган ҳолда, ўзимнинг ёндашувимни айтадиган бўлсам: таносил ва ОИТС касаллигини тарқатиш (ЖК 113-м) жиноятининг бевосита объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи шунинг учун ушбу жиноятлар соғлиққа қарши жиноятлар ҳисобланади; шунингдек, номусга

тегиш (ЖК 118-м), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-м), аёлни жинсий алоқа мажбур этиш (ЖК 121-м), ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м), ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м) жинсий эркинликка қарши жиноятлар ҳисобланади, чунки мазкур жиноятларнинг бевосита объекти жабрланувчиларнинг жинсий эркинлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, яъни ўз хоҳишига кўра жинсий шерикни танлаш ҳуқуқи, шунингдек 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигидир. Бундан ташқари, аёлни эрга тегилшга мажбур қилиш ёки эрга тегилшга тўсқинлик қилиш (ЖК 136-м) бу каби жиноятларнинг бевосита объекти – аёлнинг кадр-қиммати ва эркинлигини кафолатлайдиган ижтимоий муносабатлар, турмуш куриш ёки турмуш куриш масаласини мустақил равишда ҳал қилиш каби ижтимоий муносабатлардир. Демак, ҳулоса қилиб, ахлоққа қарши жиноятларни қуйидагилар деб келтиришимиз мумкин:

бесоқолбозлик (ЖК 120-м); порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (ЖК 130-м); зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш қилиш (ЖК 1301-м); фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЖК 131-м); тарих ва маданият ёдгорликларини нобуд қилиш (ЖК 132-м); инсон аъзоларини ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЖК 133-м); қабрни таҳқирлаш (ЖК134-м); ҳайвонларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш (ЖК 2021-м).

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ахлоққа қарши жиноятлар белгилари умуман олганда, бундай жиноятларнинг баъзи белгилари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Ахлоқий меъёрларни бузиш: муайян жамиятдаги умумий қабул қилинган ахлоқий меъёрлар ва қадриятларга зид бўлган жиноятлар. Бу номақбул, ахлоқсиз ёки ҳақоратли деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар ёки хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2. Умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор меъёрларидан четга чиқиш: жинсий поклик, бағрикенглик, бошқа одамларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бошқалар каби умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор меъёрларини бузадиган жиноятлар.

3. Жамоат хавфини яратиш: жамоат хавфсизлигига хавф туғдирадиган ёки умуман жамиятга зарар етказадиган жиноятлар. Масалан, зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, шундай материалларни тарқатиш.

Ахлоққа қарши жиноятларнинг ўзига хос белгилари турли хил ҳуқуқий тизимлар ва ижтимоий-маданий қадриятларда фарқ қилиши мумкин. Бундай жиноятларнинг таърифи ва таснифи кўпинча маълум бир жамиятда қабул қилинган меъёрлар ва қадриятларга боғлиқ. Ахлоққа қарши жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-боби, яъни “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” деб номланган бобда келтирилган. Бундан ташқари, мазкур жиноятлар таркибида юқорида айтиб ўтилганидек, жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар ҳам ўрин олган (128-м, 1281 -м, 129-м), ва

аксинча, ахлоққа қарши жиноят ҳисобланмиш “бесоқолбозлик” жинояти эса жинсиз эркинликка қарши жиноятларда жойлаштирилган. Қолаверса, ривожланган давлатлар, хусусан, Россия [21], Грузия [3] давлатларининг Жиноят қонунчиликларига асосланадиган бўлсак, ҳайвонларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш жинояти ахлоққа қарши жиноятлар ҳисобланади, лекин Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қарайдиган бўлсак, мазкур жиноят экология соҳасидаги жиноятларга киритилган.

Келтирилган важларни ҳисобга олиб Жиноят кодексига қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Ахлоққа қарши жиноятларни алоҳида мустақил боб қилиб яратиш. Чунки, “Оилага, ёшларга қарши жиноятлар” бошқа ижтимоий муносабатларга қаратилган жиноятларни ўз ичига олади.

2. Бесоқолбозлик (ЖК 120-м) ни ахлоққа қарши жиноятлар сирасига киритиш. Чунки, мазкур жиноят жинсий дахлсизликка қарши қаратилган жиноят ҳисобланмайди.

3. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м) ҳамда ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м) ахлоққа қарши жиноятлар сирасидан чиқарилиб, жинсий эркинликка қарши жиноятларга киритилиши, чунки ушбу жиноятларнинг бевосита обьекти 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

4. Ҳайвонларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш жиноятини Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар бобидан чиқарилиб, ахлоққа қарши жиноятлар сирасига киритиш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Белинда Сарпентер, Шарон Ҳайес (2012) Сримес агаинст моралитй. Ин Ҳайес, Ҳ & Прензлер, Т (Едс.) Интродустион то сриме анд сриминологй, 3рд Эдитион. Пеарсон Аустралиа, Аустралиа, пп. 141-154.

2. А.М. Герасимов Нравственность в уголовном праве России. автореф дисс. .кан юридик наук. Саратов. 2006. -24с. (Герасимов А.М. Моралитй ин Русиан сриминал лав. диссертатион абстракт. сандидате оф легал ссиенсес. Саратов. 2006. -24п.)

3. [хттпс://матсне.гов.ге/ру/документ/виюw/16426?публисатион=247](https://matcne.gov.ge/ru/документ/виюw/16426?публисатион=247)

4. Ш.А. Ганийев Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари: Монография. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. -116б (Ганийев Ш.А. Иссеуес оф лиабилитй фор морал оффенсес. Монограпх. -Т.: Министрй оф Интернал Аффаирс Асадемай оф тхе Републис оф Узбекистан, 2016. -116п)

5. Герт, Б. 2002, тТхе Дефинитион оф Моралитй, Станфорд Энсйслопедиа оф Пҳилосопхй, [хттпс://плато.станфорд.еду/ентриес/моралитй-дефинитион/](https://плато.станфорд.еду/ентриес/моралитй-дефинитион/)

6. А.С. Кармин Культурология: Культура социальных отношений. СПб.: Лань, 2000. -464с. (Кармин А.С. Султуралогй: Султуре оф сосиал релатионс. Ст. Петербург: Лан, 2000. -464п)

7. Е.В. Кобзева Преступления против здоровья населения и общественной нравственности: учеб. пособие. М., 2014. С. 7—8. (Кобзева Э. В. Сримес агаинст публис ҳеалтх анд публис моралитй: текстбоок. М., 2014. П. 7-8.)

8. И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик/ –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. -682б. (И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова анд отҳерс. Сриминологй. Спесиал парт: Текстбоок/ -Т.: Министрй оф Интернал Аффаирс Асадемай оф тхе Републис оф Узбекистан, 2015. -682п.)

9. О.А. Жидкова и д.ю.н., проф. Крашенинникова Н.А. История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов: В 2 гл. Ч. 1 / Под общ. ред. д. ю. н., проф.— 2-е изд., стер. — М.: Норма, 2004. -624с. (Зхидкова О. А. анд др. Ю. Сс., проф. Крашенинникова Н. А. Ҳисторй оф стате анд лав оф фореигн соунтриес: Текстбоок фор университиес: Ин 2 чаптерс. Парт 1 / Ундер, ДСс проф. - 2нд эд., эрасед. - М.: Норма, 2004. -624п)

10. А.В. Мелехин Теория государства и права: учебник. - №. : Маркет ДС, 2007. -640с. (Мелекхин А.В. Тҳеорй оф Говернмент анд Лав: - Но. : Маркет ДС, 2007. -640п)

11. Д.А. Маракулин К вопросу о понятии «общественная нравственность» по УК РФ // Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями. 2008. № 8. С. 223. (Маракулин Д. А. Он тхе иссуйе оф тхе сонсепт оф “публис моралитй” ундер тхе Сриминал Соде оф тхе Русиан Федератион // Суррент проблемс ин тхе фигхт агаинст сримес анд отҳер оффенсес. 2008. Но.: п.223)

12. Е.В. Миллеров Уголовно-правовая охрана нравственности. автореф дисс. ... кан юридик наук. Рос н/Д. 2006. -28с. (Миллеров Э.В. Сриминал лав протестион оф моралитй. диссертатион абстракт. сандидате оф легал ссиенсес. Рос Н/А. 2006. -28п)

13. Нравственность для ХХИ века: сб.ст/ под ред. Ю.М.Антонянаю М.: Аспект Пресс, 2008. -288с. (Моралитй фор тхе 21ст сентурй: соллестион оф артислес / эд. Ю.М.Антонянаи М.: Аспест Пресс, 2008. -288п.)

14. Х.Р. Очилов, Ш.Д. Хайдаров, З.З. Шамсиддинова Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўқув қўлланма.: ТДЮ нашриёти, 2021. -172б (Очилов Х.Р., Кҳайдаров Ш.Д., Шамсиддинова З.З. Сриминал Лав (Генерал парт) Студй гуиде.: ТДЮ публишинг ҳоусе, 2021. -172п)

15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2000. - 879б. (Натионал энсйслопедиа оф Узбекистан. Стате Ссиентифис Публишинг Ҳоусе, 2000. -879п.)

16. [хттпс://н.зиёуз.сом/портал-хақида/харита/узбек-настри/абдулла-авлоний-1878-1934/абдуллаавлоний-туркий-гулистон-ёхуд-ахлоқ](https://n.ziyouz.com/портал-хақида/харита/узбек-настри/абдулла-авлоний-1878-1934/абдуллаавлоний-туркий-гулистон-ёхуд-ахлоқ)

17. М.Х. Рустамбаев Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 3. Преступления против личности, мира и безопасности. Учебник для ВУЗов. 2-издание, дополненное и переработанное— Т.: Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан, 2018. — 423 с (Рустамбаев М.Кх. Соурсе оф сриминал лав оф тхе Републис оф Узбекистан. А спесиал парт. Волуме 3. Сримес агаинст тхе персон, пеасе анд

сесуритй. Текстбоок фор университес. 2нд эдитион, супплементед анд ревисед – Т.: Милитарй Течнисал Институте оф тхе Национал Гуард оф тхе Републис оф Узбекистан, 2018. – 423 п.)

18. Старков Е.А Уголовная ответственность за преступления против общественной нравственности. автореф дисс. ....кан юридик наук. Москва. 2011. -23с. (Старков Э.А. Сриминал лиабилитй фор сримес агаинст публис моралитй: абстракт диссертатион ...сандидате оф легал ссиенсес. Моссow. 2011. -23п.)

19. Е.А.Старков Особенности объекта преступлений против общественной нравственности (отдельные аспекты) // Российский следователь. 2009. № 5. С. 23—24. (Старков Э. А. Феатурес оф тхе обжест оф сримес агаинст публис моралитй// Россиан инвестигатор. 2009. Но. 5. П. 23-24.)

20. А.Е. Шалагин Преступления против общественной нравственности: уголовно-правовой и криминологический анализ: монография. –М.: Юрлитинформ, 2011. 253-с. (Шалагин А.Е. Сримес агаинст публис моралитй: сриминал лав анд сриминологисал анализис: монограпх. – М.: Юрлитинформ, 2011. 253-п.)

21. [хттпс://сонтинент-онлайн.ком/Досумент/?дос\\_ид=30397073](https://сонтинент-онлайн.ком/Досумент/?дос_ид=30397073)

22. Р.Д. Шарапов Преступления против общественной нравственности: учебное пособие / Р. Д. Шарапов. — Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Университета прокуратуры Российской Федератсии, 2022. -125с. (Шарапов, Р. Д. Сримес агаинст публис моралитй: текстбоок / Р. Д. Шарапов. - Ст. Петербург: Ст. Петербург Лав Институте (бранч) оф тхе Университй оф тхе Просесутор'с Оффисе оф тхе Россиан Федератион, 2022. -125п.)

23. Г.Ф. Шершеневич Общая теория права. -М.: Изд. Бр. Башмаковых, 1911. – 197с. (Шершеневич Г. Ф. Генерал тхеорй оф лав: -М.: Публишинг хоусе. Бр. Башмаковс, 1911. – 197 п.)

24. М.П.Полянская Уголовно-правовая охрана общественной нравственности в сфере половой морали: автореф. дис. ... кан. юрид. наук. Владивосток. 2009 -27с. (Полянская М, П. Сриминал легал протестион оф публис моралитй ин тхе фиелд оф сехуал моралитй: абстракт дис. ... сан. легал Сси. Владивосток. 2009 -27п.)

25. С.В. Тасаков Нормы нравственности как социальный фундамент уголовного права// Российская юстиция. 2005. № 12. С.22. (Тасаков С.В. Морал нормс ас тхе сосиал фоундатион оф сриминал лав: // Россиан жустисе. 2005. Но. 12. П.22.)

26. С.В. Тасаков Нравственные основы уголовно-правовых норм, направленных на охрану личности, ее прав, свобод и законных интересов: автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. Екатеринбург, 2010. -51с. (Тасаков С. В. Морал фоундатионс оф сриминал лав аимед ат протестинг тхе индивидуал, хис ригхтс, фреедомс анд легитимате интересс: абстракт дис... др. легал Сси. Екатеринбург, 2010. -51п.)